



№37 (890)

2025 йил 29 апрель,
сешанба

O'ZBEKISTON
BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг
сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “ИННОПРОМ” ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИНИ БОРИБ КЎРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
28 апрель куни Тошкент шаҳрида иш бошлаган
“ИННОПРОМ. Марказий Осиё” бешинчи халқаро саноат
кўргазмасига ташриф буюрди.

Кўргазма “Central Asian Expo Uzbekistan” мажмуасида ўтказилмоқда. Экспозициянинг умумий майдони 18 минг квадрат метрдан зиёд. Унда Россия, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан 10 мингдан ортиқ делегатлар иштирок этмоқда.

Кўргазмада машинасозлик, электротехника, металлургия, кимё саноати, транспорт, қурилиш, IT ва бошқа тармоқлардаги етакчи корхоналарнинг технологик ечимлари, замонавий ускуналари ва тайёр саноат маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Павильонлар ва экспозицияларни кўздан кечириш чоғида давлатимиз раҳбари иқтисодий кооперация учун катта салоҳият ва янги бизнес гоаялар ишлаб чиқиш учун яхши имкониятлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

Форум янги йирик лойиҳаларни илгари суришга суръат бағишлаши, узоқ муддатли шериклик алоқаларини ривожлантириш ва ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Президенти Россия Ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Денис Мантуров бошчилигидаги делегация билан учрашувлар ўтказди.

Россия делегацияси раҳбари Президентимизга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўтган йил май ойида Россия Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи якунида эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Товар айирбошлашнинг ўсиш суръати сакланиб қолмоқда, икки

мамлакат ҳудудларини фаол жалб этган ҳолда муҳим кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, кооперация лойиҳалари ва дастурларини илгари суриш, шу жумладан, “Иннопром” форуми доирасида ўзаро мувофиқлашган ечимларни ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Татаристон Раиси Рустам Минниханов билан учрашувда етакчи корхоналарнинг саноат кооперациясини ва фаол гуманитар алмашинуви кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Жадал мулоқотларни давом эттириш, нефть-газ, кимё, транспорт, туризм ва бошқа соҳаларда, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудларидаги саноат зоналари доирасида қўша лойиҳаларни илгари суришга келишиб олинди.

“Росатом” давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачев билан суҳбатда тинч атом соҳасидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Қишлоқ ҳўжалиги ва тиббиётда ядро технологияларини қўллаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Тошкент шаҳридаги “МИФИ” филиали негизида кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари давра суҳбатда иштирок этди. Унда икки мамлакат ҳудудлари ва етакчи компаниялари раҳбарлари кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ режаларни тақдирот қилдилар.

Ў.А.



Қурилиш тугалланган бинолар ва ишиотлардан фойдаланишга доир рухсатнома бериш ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

“Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

АҲОЛИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМА



Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (Ў.А.)
олган суратлар.

Олчинда асаларичилик маркази очилди

Фарғона вилояти Бағдод туманидаги “Бағдод замин асали” МЧЖ раҳбари, тадбиркор Абдувоҳид Убайдуллаев ташаббуси билан Олчин маҳалласида бир ой ичида қуриб битказилган янги марказда 30 дан ортиқ турдаги табиий, соф асал маҳсулотлари, шунингдек, асалариларни парваришлаш учун зарур ускуналар ва қўлланмаларни учратиш мумкин. Мазкур лойиҳага 250 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.



Муқимжон ҚОДИРОВ (Ў.А.)
олган сурат.

Марказ, айниқса, Олчин ва Чекхитой маҳаллаларида асаларичилик билан шугулланиб, яхши даромад топаётган аҳоли учун муҳим қадам бўлди. Эндиликда асаларичиликка қизиқувчи бағдодликлар соҳада ўзини синая қўриши, малакали маслаҳат олиши ва амалий қўмакка эга бўлиши мумкин бу манзилда.

Ҳисоб-китобларга кўра, тумандаги айрим оилалар фақат асал маҳсулотлари орқали юз миллион сўмгача, асалари

оиласини сотиш ҳисобига эса 25 миллион сўмдан ортиқ даромад топмоқда.

Албатта, аҳолини даромадли қилиш, шу билан бир қаторда истеъмол учун сифатли ва арзон маҳсулотлар етказиб беришда бундай марказларнинг ўрни катта. Шунинг учун тадбиркор Абдувоҳид Убайдуллаев бизнесдаги фаолиятини кенгайтириш баробарида асаларичилик билан шугулланувчиларга қўмақ бериш ниятида доимо ҳаракатда.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги Қораянтоқ маҳалласида ўзига хос меъморий қиёфага эга “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд этилапти.

Ҳудуд аҳолиси учун яратилаётган замонавий инфратузилма юзлаб оила-ларнинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Турар жойлардаги кенглик, муҳташамлик, ободлик ва саранжом-сарилта-ликдан дилингиз яйрайди. Хар бир бино-иншоотда халқимизга хос яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳияти тулик намоён бўляпти. Табиий-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда

массивда яшил белбоғлар ташкил этиш, уйлар атрофида турли мева-ли ва манзарали дарахт қўчатлари экиш, уларни суғориш тизими ҳам эътибордан четда қолмаган.

Очили, бутун бу ерга келган киши одамларнинг самимий чехраси, атрофи яшилликка бурканган инфратизи-ми ривожланган кичик бир шаҳарчага тушиб қолгандек сезади ўзини. Чунки

массивда нафақат кўп қаватли турар жойлар, балки мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, спорт майдони, ўқув маркази ҳам бунёд этилган. Ай-ниқса, “Янги Ўзбекистон”да оилавий шифокорлик пунктнинг ташкил этил-гани нафақат янги массив, балки ҳудуд аҳолиси учун жуда катта қулайлик бўл-ди. Мазкур массив ва унинг атрофидаги объектлар режасини тузишда истиқ-болда аҳолининг ўсиши, ҳудуднинг ин-фратузилмаси ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиши каби жиҳатлар ҳам эътибор-га олинган.

– Бундан 45-50 йиллар олдин бу ер-

лар тиканзор, қумли жойлар эди, – деб хотирлади меҳнат фахрийси Чорихон Раимов. – Бу ерда амалга оширилаёт-ган ишлар худди эртақлардагидек кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Бу чўллар халқимизнинг кўз ўнгида беш йилда гуллаган яшил маконга айланди. Янги уйлар билан биринчи навбатда, ноғи-ронлар, уйга муҳтож оилалар, боқувчи-сини йўқотганлар таъминланди. Бутун Президентимизнинг олиб бораётган одилона сиёсати асосида узоқ йиллар давомида уйма-уй ижарама-ижара сар-сон юрган аҳолимиз ўз уйига, ўз ватани-га эга бўлмоқда.

Марғилон шаҳрининг янги бош режаси ишлаб чиқилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги ПК-132-сонли қарорига асосан, Марғилон шаҳрининг янги бош режаси “O‘zshaharsozlik LITI” бош лойиҳа институти ДМ томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Институт бўлим бошлиғи Элдор Ҳасанов бошчи-лигида янгиланаётган Марғилон шаҳар бош режаси-да йўл инфратузилмасини ривожлантириш, саноат зонаси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, кўкалам-зорлаштириш ва рекреация зоналари, бино ҳамда иншоотларни жойлаштиришда тарихий зона ва



шаҳарнинг бошқа ҳудудларида жойлашган маданий ёдгорликларнинг муҳофаза зоналари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш назарда тутил-

ган. Шунингдек, энергия тежамкор замонавий техно-логияларни жорий этиш орқали сув таъминоти, око-ва сув, ирригация, электр энергияси, газ, иссиқлик ва телекоммуникациялар таъминоти объектиларини модернизация қилиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, бош режада ҳудуднинг шаҳарсоз-лик қиёфасини шакллантирувчи мавжуд майдонлар, ободонлаштирилган хиёбонлар ва боғларни рекон-струкция қилиш ҳамда янги-ларини қуриш орқали шаҳарнинг меъморий қиёфасини яхшилаш, уй-жой, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, санъат ва дам олиш объектиларини қуриш, реконструкция қи-лиш ҳамда капитал таъмирлаш ҳисобидан ижтимоий ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Азлар САДИКОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик салоҳиятини оширишга хизмат қилади

Бунёдкорлик – ҳар бир мамлакатнинг тараққиётини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Қолаверса, давлатнинг иқтисодий барқарорлиги ҳам қурилиш-бунёдкорлик жараёнига бевосита боғлиқ. Шу боис, юртимизда ушбу соҳага кейинги йилларда катта эътибор қаратилиб, қурилиш ишларининг сифати ва назорати кучайтирилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 14 апрель куни Президентимиз томонидан қабул қилинган “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса бу борада муҳим қадам бўлиб, тизимда амалга оширилиши керак бўлган долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Фармонга кўра, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясини мустақил рес-

публика ижро этувчи ҳокимият органи сифатида шакллантириш, қурилиш, кўп квартирали уйлارни бошқариш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида назорат функцияларини тўлиқ рақамлаштириш, хусусий сектор томонидан амалга ошириладиган назорат тизими механизмларини такомиллаштириш

Бундан ташқари, назорат механизмларини такомиллаштириш мақ-

садида, 2025 йил 1 майдан бошлаб тадбиркор ва қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекциялари ўртасида шартнома тузилган бўлса, тадбиркорлик субъектларининг қурилиш объектларида қисқа муддатли давлат қурилиш назорати тадбирлари шартнома шартлари доирасида амалга оширилади ва “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилмайди. Шунингдек, инспекцияга кўп квартирали уйларни бошқариш ва сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиялаштириш манбаларидан қатъи назар молия-хўжалик фаолиятига аралашishi қатъиян тақиқланади.

Фармонга мувофиқ, хусусий назорат тизими механизмларини шаклланти-

риш ҳам кўзда тутилмоқда. Унга кўра, 2025 йил 1 июлдан бошлаб яқин тартибдаги уй-жойлар ва кичик ҳажмдаги нотураб бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари юзасидан қурилиш назорати хусусий сектор томонидан олиб борилади. Хусусий қурилиш назорати архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти учун лицензияга эга бўлган ҳамда қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектура қисмини ишлаб чиққан лойиҳа ташкилоти томонидан шартнома асосида амалга оширилади. Хусусий қурилиш назорати объектларида қурилиш (реконструкция ишлари) якунига етгандан сўнг лойиҳачи томонидан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида ҳулоса шакллантирилади ва буюртмачига тақдим этилади.



Янги Фармон билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси эндиликда Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилиб, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади. Шунга мувофиқ, Инспекция тузилмасида 2 та бошқарув ходими штат бирлигидан иборат бўлган комплаенс назорат хизмати ташкил этилиб, ҳудудий инспекциялар тузилмасига комплаенс назорат бўйича мутахассис лавозими киритилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудий инспекциялар фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва уларга умумий раҳбарлик қилиш вертикал бошқарув тизими асосида Инспекция томонидан амалга ошири-

лади. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимлари зиммасига уларнинг ваколатига қирмайдиган вазифаларни юклаш тақиқланади.

Бир сўз билан айтганда, соҳада амалга оширилаётган исллохотлар Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Демакки, олдимизда ушбу исллохотлар ижросини таъминлашдек муҳим вазифалар турибди. Давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартибини жорий этиш, Инспекция ва ҳудудий инспекциялар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини босқичма-босқич татбиқ қилиш бўйича ишлар сифатли ташкиллаштирилишини таъминлаш шулар жумласидан.

ЖИЗЗАХ ЭНГ КЎРКАМ ШАҲАРЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ



Нигора НОЗИМЖОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Кейинги пайтларда Жиззах шаҳрининг қайта ишлаб чиқилган Бош лойиҳаси асосида Шароф Рашидов туманига қарашли бўлган 24 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳудудлари Жиззах шаҳрига қўшилидиган бўлди. Натижада вилоят марказининг маъмурий ҳудудий чегараси 4 896,8 гектардан 12 856 гектарга ёки 2,6 баробарга кенгайди.

Маъмурий жиҳатдан шаҳар ҳокимлигига бўйсунадиган аҳоли пунктлари ҳамда шаҳар таркибига қўшилаётган ҳудудларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли сонининг ўсиши 460 минг кишини ташкил этади. Ҳудуд ва аҳоли сони сезиларли даражада ортиши натижасида ўз-ўзидан уй-жойга бўлган талаб ҳам ортади. Шаҳарнинг янги Бош режа лойиҳасида буларнинг барчаси инobatта олинган. Ҳудуддаги Маданият ва Тошлоқ маҳаллаларида 2025-2027 йилларда реновация дастурига асосан жами 99 та 2 қаватли уй-жой ўрнида 15-16 қаватли уйлар барпо этилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу уйлارнинг биринчи ва иккинчи қаватларида хизмат кўрсатиш ва савдо объектларини қуриш режалаштирилган.

– Ушбу иккита маҳаллада бутунги кунда қурилиш ишлари бошланди, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи Вохид Мирзаев. – Мазкур реновация ҳудудида умумий 15 та 12 қаватли 80 та хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, 2025 йилда 6 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, Тошлоқ маҳалласининг Ислоҳ Каримов кўчасида аҳолининг 11 та уй-жойларини реновация дастурига киритиб, у ерда 3 та мажмуа сифатида 9 қаватли уйлар қурилиши режалаштирилиб, бу-

гунги кунда ер қазиш ишлари бошлаб юборилган. Бу йилги дастурга асосан қайд этилган уйлارни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Реновация дастурига асосан маънан эскирган бир, икки қаватли уйлар ўрнида 9, 12, 16 қаватли уйлар қурилиши мўлжалланган бўлиб, қурилиш ишлари бошланган. Келажакда умумий 802 гектар ер майдони, жами Жиззах шаҳрининг 11 та маҳалласида реновация дастури босқичма-босқич амалга оширилади. Бу жараён 2050 йилгача бўлган даврни қамраб олган.

Тошлоқ маҳалласи ҳудудида қад ростлаётган турар жой мажмуалари ва унинг атрофи яқин келажакда кўркам қиёфага келтирилади. Айни пайтда қурилиш ишлари юқори суръатларда олиб борилаётган ушбу объектларда 2026 йил охирига қадар ишлар тўлиқ якунланиши белгиланган. Энг муҳим жиҳати шундаки, ушбу биноларнинг ташқи фасад қисмлари энергия тежамкор базальт қопламалари билан қопланиши, хонадонларнинг ички қисмлари газоблок гиштлар билан бўлиниши натижасида уйларда ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мўътадилликни сақлашга ёрдам беради.

– Ҳозирги кунда компаниямиз томонидан Жиззах шаҳрида Тошлоқ маҳалласи ҳудудида аҳолига кўп қаватли турар жой бинолари ҳамда савдо ва уму-

мий овқатланиш шохобчалари қуриш ишлари бошланган, – деди қурилиш ташкилоти иш бошқарувчиси Шохруҳ Исмолов. – 14 та блокдан иборат ушбу массивларда 6 та бино ва иншоотларнинг 80 фоиз қурилиш ишлари якунланган. Ушбу турар жойда умумий қийматда 1 380 та хонадон, 250 дан ортиқ умумий овқатланиш марказлари жой олади. Қурилиш майдонларимизга 350 дан ортиқ ишчилар, 30 дан зиёд оғир техникалар ва 5 тадан ортиқ техникалар жалб қилинган. Турар жой биноларида икки томонлама савдо марказлари, умумий овқатланиш шохобчалари, дорихоналар, гўзаллик салонлари, аҳоли эhtiёжи учун нималар зарур бўлса мана шу марказдан жой олади. Биринчи босқичда мазкур мажмуани 2025 йил охиригача фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Иккинчи босқичда 2026 йил охиригача 8 та блок турар жой бинолари топширишни ўзимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Маданият маҳалласида ҳам янги кўп қаватли уйлар қад ростлаши режалаштирилиб, айни пайтда бу жараён бошлаб юборилган. Яқин келажакда турар жойлар ва унинг атрофида фуқаролар учун барча шароитлар мұхайё этилиши кўзда тутилган.

– Ҳозирги кунда Жиззах вилоятида кўп қаватли уйлар барпо этиляпти, – деди қурилиш ташкилоти вакили Собир Сувонқулов. – 2024 йил аввалида биз кўп қаватли уйлари қуриш лойиҳасини амалга оширишни бошлаганмиз. Ҳозирги кунда каттадан қазиш ишларини якунига етказяпмиз. Кейинги режаларимизда пойдеворлар қуришни режа қилганмиз. Лойиҳа 2027 йилнинг охирида якунига етади. 9 қаватли уй 9 та йўлакдан иборат бўлиб, у турар ва нотураб жойлардан иборат бўлади. Ташқи фасад қисмлари энергия тежамкор махсусотлардан қопланади. Булардан ташқари, бутунги кунда жуда зарур бўлган қуёш панеллари билан ҳам жиҳозланади. Болалар майдончалари, уйнинг майдонига қараб автотурагоҳлар ажратишни ҳам кўзда тутганмиз. Мақсадимиз лойиҳани чиройли ва сифатли қилиб халқимизга топшириш.

Жиззах шаҳри Маданият маҳалласи ҳудудида қад ростлаётган янги савдо мажмуасининг қурилиш жараёнлари ҳам давом этмоқда. Умумий 3,5 гектарда барпо этилаётган ушбу савдо мажмуаси 4 қаватдан иборат бўлиб, болалар майдончалари, умумий овқатланиш шохобчалари ҳамда савдо дўконларидан иборат бўлади.

– Лойиҳа ишлари 2024 йил март ойида бошланган бўлиб, ҳозирга қадар 90 фоиз ишлар бажариб бўлинди, – деди қурилиш ташкилоти вакили Баҳром Каримов. – Лойиҳанинг биринчи босқичини якунлаш арафасидамиз. Бино уч қаватдан иборат бўлиб, уйларнинг ертўла қисмида омборхоналар жой олади. 5 минг квадрат майдонда катта гипермаркет жойлаштирилиб, иккинчи ва учинчи қаватда 100-120 та дўконлар ташкил этилади. Тўртинчи қаватдаги 3000 квадрат метрда эса болалар ўйингоҳлари, турли аттрак-

ционлар ўрин олади. Ҳозирда пардозлаш ишлари якунига етган, насиб қилса июнь ойида лойиҳанинг биринчи босқичини фойдаланишга топшираимиз. Автотурагоҳлар, шунингдек бозордаги махсусотлар учун махсус расталар ҳам ўрнатилади.

Мазкур савдо мажмуасида иккинчи лойиҳа ҳам бошланиш арафасида. 2026 йилнинг учинчи чорагида ишга туширилиши режалаштирилган бино учун айни пайтда коммуникация тармоқлари тортиб бўлинган. Атрофни ободонлаштириш ва яшил майдонлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Мазкур икки лойиҳа ишга туширилиши натижасида жами 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Оғир юкларни тепа қаватларга олиб чиқувчи лифтлар ва эскалаторлар, энергия тежамкорликни таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатилиши ҳам кўзда тутилган. Жиззах шаҳри аҳолиси ҳамда меҳмонлар учун қулай инфратузилма яратиш мақсадида ишга туширилаётган ушбу лойиҳа фақат шаҳар кўрига кўрк қўиши ёки янги иш ўринлари яратилиши билан эмас, балки замонавий бозор имкониятларини тақдим этиши билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш керакки, янги Бош режага кўра, Шароф Рашидов туманидаги 24 та маҳаллани қўиши орқали Жиззах шаҳри ҳудуди кенгайди. Шароф Рашидов тумани ҳудудида бутунги кунда М-39 йўл атрофида икки йилдан бери қурилиш давом этаётган “Янги Ўзбекистон” массивига аҳоли қўчирилади. Ҳозирда уларга қулайлик яратиш мақсадида бу ерда янги кўприк қурилиши давом этмоқда. Жиззах шаҳрининг кенгайиши ҳисобига кўп қаватли уйлар қурилгач, бу ерда канализация тармоқлари, газ, сув, электр ҳам зарур бўлади. Шу сабабли Бош режада кўзда тутилганидек зарур инфратузилма объектларини барпо этиш ҳам режалаштирилган.

Мазкур лойиҳаларга паралел равишда бунёд этилаётган 4 километрик автомобиль йўли ва 700 пагонаметр йўл ўтказгичнинг фойдаланишга топширилиши натижасида Жиззах шаҳрининг Ислоҳ Каримов шoҳ кўчаси тўғридан-тўғри М-39 Ташкент-Термиз автомобиль йўлига уланади. Йўл ўтказгичнинг бутунги кунга келиб, 60-70 фоиз қурилиш-монтаж ишлари якунига етган. Ҳозирда 4 километр масофадаги трассанинг коммуникация тармоқларини қўчириш, сунъий иншоотларни қуриш жараёнлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов туманидаги бир неча маҳаллалар аҳолисининг кўп ийиллик орузсини ҳам рўбга чиқарадиган янги йўналишдаги мазкур йўл ўтказгичнинг қурилиш ишларига 100 дан ортиқ техника, 200 га яқин қурувчилар жалб қилинган бўлиб, жорий йилнинг сентябрь ойида кўприкни фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш ўринлики, Бош режага асосан Жиззах шаҳри қиёфаси тубдан ўзгаради. Замонавий қўриниш касб этиб, Жиззах мамлакатимиздаги энг кўркам шаҳарлардан бирига айланади.

Сейсмология институти: БУТУН МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЧУН “СЕЙСМИК ҚАЛҚОН”

Темурбек ТУРОБОВ, журналист.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Сейсмология институтига ОАВ вакиллари иштирокида уюштирилган пресс-турда қатнашчилар муассаса фаолияти, унда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, замонавий сейсмологик технологиялар ва энг сўнгги илмий янгиликлар билан яқиндан таништирилди.



1966 йилда ташкил этилган Сейсмология институти Марказий Осиёда зилзилаларни прогноз қилиш ва уларнинг оқибатларини камайитириш бўйича етакчи марказ ҳисобланади. Институтининг 50 йилдан ортиқ тажрибаси, замонавий технологиялари ва ноёб архиви мавжуд. Бутунги кунда марказда 129 нафар ходим ишляни олиб бормоқда. Институтининг асосий фаолияти – зилзила сабаблари, уларнинг пайдо бўлиш механизмлари, сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш қонуниятлари ва улар туфайли етказиладиган зарарлар, тегишли билимларнинг илмий асосларини яратиш ва такомиллаштиришдан иборатдир. Бу борада муассасада ташкил этилган Зилзилаларни прогноз қилишнинг фундаментал муаммолари, Сейсмопрогностик маълумотларни комплекс таҳлил қилиш, Инструментал сейсмология ва сейсмометрия, Мухандислик сейсмологияси ва грунтлар динамикаси, Сейсмик хатарлар, Сейсмик хавф ва ҳудудлаштириш, Сейсмотектоника ва геодинамика лабораториялари ҳамда Янгибозор геофизик илмий-тадқиқот обсерваторияси яқиндан қўмак бермоқда.

Бундан ташқари, институт ҳудудида 4 та, чуқурлиги 60 метр, 100 метр, 150 метр ва 250 метр махсус қудқ ҳам қазилган бўлиб, улар гидрогеосейсмологик кўрсаткичларни доимий мониторинг қилиш учун зарур ҳисобланади. Шунингдек, институтда 2005 йил 4 августда Вена шаҳридан ХМТ маъ-

лумотларини узлуксиз қабул қилиш учун хавфсиз сунъий йўлдош каналининг алоқа ускуналари ўрнатилган бўлиб, 2019 йилда у бутунлай модернизация қилинган. Мазкур антенна ёрдамида Ўзбекистон ва қўшни давлатлар ҳудудида жойлашган 50 дан ортиқ маҳаллий сейсмик станциялардан, жумладан, иккита сейсмик массивдан Қозоғистон ва Туркменистон ХМТ тармоғидан олинган маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва архивлаш амалиётлари бажарилади.

– Мақсадимиз – зилзилаларни тўхтата олмасак ҳам, уларнинг оқибатларини минимал даражага тушириш ва аҳолини олдиндан огоҳлантиришдир, – деди пресс-турда иштирок этган институт директори, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Вахитхан Исмаилов. – Институтиимиз фаолияти нафақат фан билан шугулланиб, илмий изланишлар олиб бориш, балки миллионлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишдан иборатлиги учун ҳам ҳар бир ходимдан катта масъулият талаб этилади. Бутунги кунда институт нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун “сейсмик қалқон” вазифасини ўтамоқда. Ер қўбиги сирларини очиш учун олиб борилаётган бу курашда ҳар бир янги кашфиёт инсониятнинг табиатга қарши курашидаги муҳим ғалабаси ҳисобланади. Бу борада юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, соҳага энг сўнгги технологиялар жалб этилмоқда.

КОРРУПЦИЯДАН УЗОҚ БЎЛИШ

тизим ташкилотларида самарали йўлга қўйилган

Жамолiddин ҚУРБОНОВ, Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг коррупцияга қарши комплаенс назорати мутахассиси.

Коррупция – мурасасиз иллат. У жамиятнинг иқтисодий тараққиётини издан чиқариб адолатсизликни оширади, инсонлар ўртасида нотенгликни юзага келтиради. Айрим мансабдор шахсларнинг ноҳалол йўл орқали маблағ ортириб, жамият таназзулига юз тутишига сабаб бўлгани учун ҳам у билан мураса қилиб бўлмайди.



Юртимизда коррупциянинг олдини олиш, таг-туби билан йўқ қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар барча соҳаларда изчилик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли фармони, 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг

самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон, 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли қарорнинг қабул қилиниши юртимизда коррупцияга қарши курашиш тизимини кучайтириш, бу борадаги ислохотларни жадаллаштириш каби долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг кенгайтирилган ййгилишидаги белгилаб берилган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири маслаҳатчисининг 2025 йил 15 апрелдаги тегишли топшириғига асосан, 2025 йилнинг II чорагида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида иқтисодий ўқишни ўтказиш режа графиги ишлаб чиқилди. Жўмладан, Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси фаолиятида ҳам бу борада муҳим вазифалар белгилаб берилди. Коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф қилиш ҳамда “Коррупциядан холи” муҳитни яратиш, ортиқча оврагарчилик ва қозғозбозликларга йўл қўймаслик борасида режалаштирилган чора-тадбирлар ва коррупцияга қарши курашиш мақсадида ходимларнинг ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданиятини юксалтиришга эътибор қаратилди.

Хусусан, бош бошқарманинг коррупцияга қарши комплаенс назорати бўлими томонидан ҳар бир ходим билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилиб, қонунчиликда белгиланган нормалар асосида иш юритиши, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа шу каби ҳолатларга йўл қўйилмаслиги, коррупцион омиллардан узоқ бўлиш ва олдини олиш бўйича мунтазам суҳбатлар, ўрганишлар олиб борилмоқда. Булардан ташқари, аҳолининг соҳада коррупция ҳолатларининг олдини олишда иштирокини кучайтириш, огоҳлигини ошириш мақсадида бош бошқарма веб-сайти, телеграм бот ва электрон почта манзиллари орқали мурожаат қилиш юзасидан эълонлар бериб бориляпти.

Шунингдек, йил бошидан буюн бош бошқарма ва унинг туман-шаҳар бўлимлари тизимидаги ишчи-ҳодимларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган семинар-тренинглар, тадбирлар доимий тарзда ўтказилиши йўлга қўйилган. Бундан қўзланган мақсад, коррупция иллатининг келтириб чиқарувчи сабаблар, унинг оқибатлари, қонунчиликда белгиланган нормалар билан таништириб борилади, ҳуқуқий билимлар оширилади.

Наманган вилояти

Фестивалга тайёргарлик қизғин

Муҳиддин МАҒЗУМОВ, “O’zbekiston bunyodkori” мухбири.

Наманганда ўтказиладиган Халқаро гуллар фестивалига тайёргарлик ишлари доирасида Давлатобод туманида ҳам кенг қўламли ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Жўмладан, марказий кўчалар, хиббонлар, аҳоли гавжум ҳудудлар, қорхона ва ташкилотлар атрофи ҳамда кўп қаватли уйлар олдида гул қўчатлари экилиб, ландшафт дизайни яхшиланяпти. Туманда бу йилги мавсумда умумий ҳисобда 1 миллион 100 минг дона гул қўчати экиш режалаштирилган.



Тошкент вилояти

Қадимий ҳунармандлар маҳалласи аниқланди

Бўстонлик туманидаги Сижжаксойнинг Пискомсойга қўшилиш жойида қадимий ҳунармандлар маҳалласи аниқланди.



Чорвоқ сув омбори атрофида олиб борилган археология қидирув-қузатув ишлари

чоғида Маслаҳаттепада тадқиқот ўтказилганда, қулолчилик маҳсулотларини пиширишда фойдаланилган хумдонлар ўрни аниқланди. Икки дона хумдон очиб ўрганилганда, 15 дан зиёд айлана шаклидаги идиш ва металл эритиш печининг изи ҳам қўзга ташланди. Дастлабки таҳлиллар ҳудудда IX-XVIII асрларда ҳунармандлар – қулол ва темирчилар устaxonаси жойлашганидан гувоҳлик бермоқда. Ҳозирда манзил янада чуқурроқ ўрганиляпти.

Ўз мухбиримиз.

ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

Республика Узбекистан
Сектор: Сельское развитие
Закупка работ
Номер контрактов:
SRDP-KHR-W-06 Лот-2 R,
SRDP-KHR-W-08 R
Номер кредита: UZB-1023.
Название проекта: Устойчивое развитие сельской местности.

1. Правительство Республики Узбекистан получило от Исламского банка развития (ИБР) кредит на реализацию проекта “Устойчивое развитие сельской местности” и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на подрядные работы по нижеисследующим контрактам в Хорезмской области:
SRDP-KHR-W-06 Лот-2 – строительство среднеобразовательной школы вместимостью 330 учеников в МСГ “Корамози” Ханкинского района Хорезмской области;
SRDP-KHR-W-08 – строительство здания школы на 220 мест в МСГ имени П. Махмуд Янгитазарского района Хорезмской области.

2. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными Исламским банком в “Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР”, опубликованном в апреле 2019 года, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18–21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассыл-

ке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет 1 250 000 сум. Способ оплаты – банковский перевод на нижеуказанный счет.

ДЛЯ ПОСТУПЛЕНИЙ В СУМАХ:	
Получатель:	Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов
Адрес и телефоны получателя:	100035, г. Ташкент, ул. Чиланзар, 4, каб., 505. Тел.: (+998 71) 207-84-07.
Банк получателя:	Ташкентский фил. АКИБ “Ипотека-банк” МФО 00419.
Р/с получателя в сум:	2021 0000 7052 9450 7007.
ИНН, ОКОНХ получателя:	ИНН: 307 829 948.

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 120 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде гарантийной декларации.

Тендерные предложения должны быть доставлены в офис ОГРП по адресу: Вниманию: г-на Б. Эгамова, Директора ОГРП.

Адрес: Республика Узбекистан, 100017, город Ташкент, ул. Ниезбек йули, 1, 4-й этаж, правый блок.

Телефон: (99877) 363-37-35.
Электронная почта: fabdullayev@uzrdr.uz
Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 14.45 (по ташкентскому времени) 28 мая 2025 г., когда они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

Вскрытие пакетов состоится в 15.00 (по ташкентскому времени) 28 мая 2025 г. в офисе Объединенной группы реализации проектов при Министерстве экономики и финансов (4-этаж) по адресу: ул. Ниезбек йули, 1, г. Ташкент, Республика Узбекистан.

ЛОЙИҲА ВА ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида қурилиши режалаштирилган замонавий меҳмонхона қурилиш ишларини сифатли ва шахарсозлик метёрларига асосан амалга оширилишини назорат қилиб бориш, қурилиш ишларини оптималлаштириш ҳамда олиб борилаётган қурилиш ишларини тугагунга қадар сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида ташқи лойиҳа бошқарув компаниясини ёллаш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Лойиҳа бошқарувини амалга оширишда иштирок этиш истагида бўлган ташкилотлар тақлифлари қабул қилинишини маълум қиламиз. Самарали иқтисодий тақлифлар киритган ташкилотлар танлов ғолиби сифатида танланади.	Тақлифлар 2025 йил 2 майга қадар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳ кўчаси, 7-“Б” уй манзилида АТ Халқ банки бош офисида қабул қилинади. Маълумот учун телефон: 90-618-53-53. E-mail: Mehriddin.Muhiddinov@xb.uz
--	---

“OLMAZOR TRADE CENTER” МЧЖ

томонидан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги Қорасарой кўчасида жойлашган объект (9-ЛОТ), яъни савдо мажмуаси барпо этиш учун қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Шунга қўра, интерьер қисмларини (ёғоч, керамика ва майолика элементлари билан безаш), шунингдек, бинонинг ташқи ва ички коммуникация тармоқларини ўрнатиш бўйича пудратчиларни танлаш мақсадида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Агар сиз ушбу йўналишларда тажрибага эга бўсангиз ва сифатли ишларни бажара олсангиз, мазкур танловда иштирок этишга тақлиф этамиз.

Қўшимча маълумотлар ва танлов шартлари билан танишиш учун биз билан боғланинг ёки эълоннинг тўлиқ шаклини сўраб олиш мумкин.

Мурожаат учун телефон: 88-198-78-48, 99-030-50-90.



Маъмуржон ПАРПИЕВ, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бўлим бошлиғи.

Глобал ахборот тармоғи имкониятларининг кескин ошиши шахсий маълумотлар хавфсизлигига доир жиддий хавф-хатарларнинг ҳам кучайишига сабаб бўлмоқда.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши инсонлар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Онлайн платформалар, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар алоқа, бизнес, таълим ва кўнгил-чар воситалари сифатида кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бироқ, бу имкониятлардан қим қандай мақсадда фойдаланиши ҳам масаланинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Хусусан, Интернет глобал ахборот тармоғи имкониятларининг кескин ошиши шахсий маълумотлар хавфсизлигига доир жиддий хавф-хатарларнинг ҳам кучайишига сабаб бўлмоқда. Интернет орқали шахсий маълумотларнинг ноқонуний тарқатилиши, товламачилик ва бошқа жиноий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатларнинг ортиши нафақат фуқаролар, балки давлат органлари учун ҳам долзарб масалага айланди.

Масалан, 2022 йили юз берган бир жиноий иш шахсий маълумотлардан ноқонуний фойдаланишнинг оқибатларини кўрсатади. Ш. Ф. "Telegram" мессенжерда "HELLO TASHKENT, SALAM TASHKENT" номили канал орқали бошқа бир фуқаронинг шахсий фотосуратларини эълон қилган. Бундан хабардор бўлган жабрланувчи канал юри-

тувчилари билан боғланиб, улардан бири билан ёзишма олиб борган. Бироқ, Ш. Ф. ушбу суратларни тарқатмаслик эвазига 1 млн сўм талаб қилиб, товламачилик йўли билан ушбу суммани иккига бўлиб, 500 минг сўмдан банк пластик картасига ўтказиб олган. Суднинг ҳукми билан Ш. Ф.га озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

2024 йили содир бўлган яна бир жиноятга кўра, фуқаро С. А. аёлнинг яланғоч ҳолдаги видео тасвирини унинг розилигисиз "Telegram" мессенжери орқали тарқатган. Суднинг қарори билан С. А.га маъмурий жарима қўйланган.

2024 йили сирдарёлик Ш. К. эса бошқа кишининг хабарисиз, унинг шахсига доир (биометрик) маълумотларидан фойдаланиб, 150 млн сўм кредит олган ва пул маблағларини ўз эҳтиёжи йўлида ишлатиб юборган. Суд ҳукми билан Ш. К.га озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Куни кеча эълон қилинган хабарга кўра, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот технологиялари соҳасида жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати ҳодимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда бир гуруҳ шахслар Мирзо Улугбек туманида жойлашган уй-

лардан бирини ижарага олиб, "Call markaz" фаолиятини йўлга қўйишгани аниқланди. Улар фуқароларга сохта кўнғироқлар орқали фирибгарлик йўли билан уларни алдаб, мол-мулкларини талон-тарож қилиш билан шугулланиб келишган. Ушбу жиноий гуруҳда 2 нафар ташкилотчи, 20 нафарга яқин оператор қўлга олинган. Тадбир давомида улардан 15 минг нафардан ортиқ инсонларнинг шахсий маълумотлари, кўплаб пластик карталар, гиёҳвандлик моддалари ашёвий далил сифатида олинган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шубҳасиз, бу каби ҳолатлар шахсий маълумотларнинг ноқонуний тарқатилиши, шантаж, товламачилик каби жиноятларнинг Интернет орқали қандай осон амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатади ва ўз навбатида, фуқароларнинг хавфсизлиги ва махфийлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Қайд этиш кераки, бу борада чиқарилган ҳукмлар шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва Интернетдаги ноқонуний ҳаракатларга қарши курашишда давлатнинг қатъий позициясини кўрсатади. Ўзбекистон қонунчилигида шахсий маълумотларни ноқонуний тарқатиш ва ундан жиноий мақсадларда фойдаланиш учун қаттиқ жазо чоралари назарда тутилган бўлиб, бу фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Интернетда шахсий маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун нафақат қонунчилик чоралари, балки фуқароларнинг эҳтиёткорлиги ҳам муҳимдир. Афсуски, кўпчилигимиз юқоридаги каби ҳолатларга дуч келганда, ўзбекчилигимизга бориб, истиҳола қилиб, ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилмаймиз. Бу эса ушбу турдаги жиноятларни содир этаётган шахслар учун айни мудида бўлмоқда ва уларнинг "фаолияти" гуллаб-яшнамоқда. Шунинг учун ҳам мессенжер ва ижтимоий тармоқларда шахсий маълумотларни улаштида эҳтиёт бўлиш, ишончсиз манбаларга маълумот бермаслик ва киберхавфсизлик қоидаларига амал қилиш зарур.

Шу билан бирга, давлат ва хусусий секторда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича замонавий технологияларни жорий қилиш, киберхавфсизлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва аҳолининг бу борадаги саводхонлигини, билим даражасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, маълумотларни шифрлаш, икки факторли аутентификация ва бошқа хавфсизлик усуллари ҳақида кўпроқ тушунтириш олиб бориш ҳамда амалда бу усуллارни кенгрок қўллаш керак.

Хулоса ўрнида айтганда, шахсий маълумотлар хавфсизлиги замонавий жамиятнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Юқоридаги мисолларга оид жиноят ишлари Интернетдаги хавф-хатарларнинг реаллигини ва уларга қарши курашишда қонунчиликнинг ролини очиб беради.

Назаримда, давлат органлари ҳам мазкур муаммага қарши курашиш борасида шахсий маълумотлар доирасида қуйидаги масалаларга эътибор бериши зарур:

Биринчидан, қонунчилиكنи такомиллаштириш, интернетда шахсий маълумотлардан фойдаланишнинг тартибга солувчи нормаларни янги технологияларга мослаштириш ва жиноятлар учун жазоларни янада қатъийлаштириш;
Иккинчидан, аҳолининг хабардорлигини ошириш, фуқароларни киберхавфсизлик бўйича ўқитиш ва уларнинг шахсий маълумотларни ҳимоя қилишдаги масъулиятини ошириш учун оммавий кампаниялар ташкил қилиш;
Учинчидан, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда ноқонуний фаолиятни аниқлаш учун доимий мониторинг тизимини кучайтириш ва тезкор жавоб бериш механизмларини ишлаб чиқиш.

Технологиялар ривожланиши билан бирга, давлат органлари шахсий маълумотларни ҳимоя қилишда фаол ва тизимли ёндашувни қўллаганина, фуқароларнинг махфийлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда ишонч ва барқарорлиكنи мустаҳкамлайди.

Бугуннинг энг долзарб муаммоси:

ИНТЕРНЕТДА ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

қандай ҳимоя қилинади?

Ноқонуний контент: БУНГА ҚАТЪИЙ ЖАВОБГАРЛИК БОР

Дилшод ФАЙЗУЛЛАЕВ,
ЎзМУ Журналистика ва ўзбек филологияси факультети талабаси

Рақамли платформалар, ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар бугун ёшлар ўртасида оммалашгани ҳеч кимга сир эмас. Ижтимоий медидада инсонлар ўз касб фаолияти ёки қизиқиши ва тижорий мақсадлар йўлида ўзининг шахсий блогини юритмоқда. Контент тайёрлаш айна кунда замонавий касб даражасига чиқишга ҳам улгурди. Инсонлар учун ўз мақсадларини амалга оширишда ижтимоий тармоқлар орқали контент тайёрлаш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Фойдаланувчилар тармоқдаги ҳар бир контентнинг мақсади, аҳамияти, манипуляциявий таъсири ва пропаганда аломатларини онгли равишда англаши зарур.



лаш ва тарқатишни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Мана шундай ҳолатлардан бири ҳақида Тошкент шаҳар ИИББ хабар берди. Ўзбекистон халқ артисти, "Ялла" гуруҳи яққохон хонандаси Фаррух Зокиров номидан унинг овози, видео тасвиридан фойдаланган ҳолда, видео тарқалган. Видеода Ф. Зокиров интервью давомида куракда турмайдиган сўзлар ишлатиб, беҳаё сўзлардан фойдалангани, тиббиёт ҳодимларини ҳақорат қилгани акс этган. Шунингдек, турли хилдаги дори воситаларининг реклама қилинганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бир қарашда видео ҳақиқийдек тасаввур уйғотadi, шу билан бирга, шахсни обрўсизлантириш, унинг мавқеидан фойдаланиб, номини қоралаш каби жиноят аломатларини кўриш мумкин.

Ёшлар орасида оммалашган блогерлик, қизиқарли видео олувчи вайнерлар ҳам баъзан тажрибасизлиги ёки илмсизлиги ортидан мана шундай ноқонуний контент тайёрлаб, жиноий ҳамда маъмурий жавобгарликка тортилатилмоқда. Фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлигига ва атроф-муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, миллий ва оилавий анъаналар, шунингдек, ахлоқ ва маънавиятнинг умумқабул қилинган нормаларига зид

бўлган, очик-сочиқ қийинган қизлар ишгироқда беҳаёлиқни тартиб қилувчи, ҳамда тегишли руҳсатномасиз диний мазмундаги видеолари орқали жамоатчилик эътиборига, аниқроқ қилиб айтганда, эътирозига сабаб бўлмоқда.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, ижтимоий тармоқларда тухмат, ҳақорат, шахсий ҳаётга таъжовуз, зарарли ҳамда ёлгон ахборотларни тарқатиш маъмурий жавобгарликка, терроризмни тартиб қилиш, диний адоват қўзғаш, порнографик материал тарқатиш тегишли тартибда жиноий жавобгарликка, шунингдек, мана шу каби материалларнинг изоҳларида қўлаб-қувватлаш, сақлаш, улаштириш, босиш ҳам жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади. Қонунни билмаслик эса жавобгарликдан озод қилмайди.

Интернетдан бир фойдаланувчи сифатида ноқонуний контент тарқатишга қарши тезкор чоралар қўриш учун Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва бошқа идораларнинг бу борадаги ваколат ва фаолиятларини қайта қўриб чиқиш керак. Бу, ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтириш, Интернетда хавфсиз муҳит яратиш ва инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил апрель ойининг 29-30 ва май ойининг 1 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ер ости сувларидан фойдаланишнинг назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Баҳодир Машрапов**,

"Коммунал лойиҳа илмий тадқиқот институти" Давлат муассасаси "Хоразм" филиали етакчи муҳандиси **Давлатёр Қурбанов**,

"Ўзоғирсаноатлойтих" АЖ бош директори **Бехзод Ҳазратқулов**, УПРО технологиялари директори **Рустам Мамажанов**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ "Қашқадарё" филиали 2-тоифали муҳандиси **Азизбек Имомов**, Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Шадиёр Шаназаров**, бошқарманинг 9-устахона бош мутахассиси **Ирода Раҳматуллаева**, 10-устахона бош мутахассиси **Бахтиёржон Жумабаев**,

"Qo'qon Loyiha Qurilish" МЧЖ лойиҳа бош архитектори **Абдулмажид Набиев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Сарвиноз Султамуратова**, Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси **Бехзод Рейимбаев**,

Андижон вилояти Андижон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича етакчи мутахассиси **Хожиакбар Қодиров**, АРТ мутахассиси **Марғубахон Кузибаева**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлиmlари фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси бош мутахассиси **Фахриддин Урунов**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошчилигининг биринчи ўринбосари **Қамол Қўбаев**, етакчи мутахассислар **Рауф Абдуллаев**, **Рустамжон Бобиров**,

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Тошқувват Мадартов**,

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси етакчи мутахассиси **Гавҳар Камалова**,

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Равшанбек Тўйчиев**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси кассири **Екатерина Каримова (Хамидова)**,

Сирдарё вилояти Сайхунбод туманидаги "Интилиш коммунал сервис 777" МЧЖ БСК бош директори **Умид Аккузиев**,

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги "Perfect Beaver Intention" МЧЖ БСК бош директори **Нилуфар Шаминаева**,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "Yashash Kompleks Elbek" МЧЖ БСК бош директори **Эмини Аширова**,

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "Labzak-Kommunal-Servis-Shirkat" уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Шухрат Эргашов**ларни таваллуд қуни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



ЎЗБЕКИСТОН-ЎЗБЕКИСТОН
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Ҳидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожидин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Бобир Эмүродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусакхх	Марҳамат Мусулмонкулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири, "Ўзсанотқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзТАШҚИЛИТИ" МЧЖ, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси - 466.
Буюртма - Г- 441.
2047 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси қилишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, "Буюк Тўрон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир - Р. Хўжаева.
Навбатчи - А. Эгамбердиев.

ЎЗА якуни - 22.25.
Тошпирилди - 23.00.